


ХУҚУҚ

МУСТАҚИЛЛИК ДЕМАКДИР

YURIDIK GAZETA

АССАЛОМ, ЯНГИ ЙИЛ, ЯНГИ МИНГ ЙИЛЛИК!



Бош муҳаррир минбари

БАҲОРИ КУЗДАН БОШЛАНАДИГАН ЮРТ

Дарахдан бир япроқ узилса, кўнғил зирқираб кетади ва биз беихтиёр шоҳага термуламиз. Не ажабки, ўша япроқ тарқ этган бандда ниш уран куртакнинг илжа табассуми дилга умид уруғини қадайди.

Календарнинг чапга ағдарилган бир варағи ҳам умримизнинг ўтган бир куни мисол бизни чуқур ўйга толдиради. Бироқ навбатдаги куннинг жилмайиб турган чехраси ўзининг дилбар ваздалари, ширин таъшишлари-ю жўшқин режасари билан бизни янги курашларга чорлагач, дилдаги мискилик тумани тезда тарқаб кетади.

Биз йигирма ёшдамиз, биз қирқ ёки етмиш ёшда-дирмиз. Барибир ҳар куни шу ҳолат тақдорланавера-ди. Агар минг ёки икки минг ёшда бўлсакчи? Биз бир кун ёки бир йилни эмас, балки бутун бир асрни, бутун бир минг йиллиқни тарих саҳнасига узатаётган бўлсакчи?!

Шу бахтга музаффар бўлган, яъни ўзларининг ибратли ҳаётлари, тарихимиздаги биринчи уйғониш даврига хос буюк кашфиётлари билан биринчи минг йиллиқни иккинчи минг йиллик билан боғлаган аллома боболаримиз Беруний, Хоразмий, Ибн Синоларнинг дилдан нима ўй кечган экан ўша лаҳзаларда?!

Яна ҳаётнинг ўзи, буюк мўъжизакор ва зукко муаллим табиатнинг ўзи бу каби савоаларимизга жавобни ҳам қаторлаштириб қўйгач, ҳайратдан ёқа ушлаймиз. Чунки гулзордаги гуллар қаҳқаҳасига гунча табассуми яширингани каби сизнинг нуруний сифатингизни навқирон ўғлингиз ва навқирон набирангизнинг жилавланмаган шиддати осмонларга кўтариб учеди.

Шунда баногоҳ сиз куз ҳазонларининг орасида жилава қилган майсаларнинг яшил қўйлагини кўриб қоласиз. Навқирон бу майсалар бостириб келаятган қишнинг қор-бўронларини назар-писанд қилмай, куздаёқ баҳор тўйини бошлаб юборишган бўлади. Ана шундай баҳори кўздан бошланадиган ўлкада яшашнинг ўзи бир бахт бўлса, мустақиллик туфайли юз берган буюк уйғонишлар ва буюк ўзгаришларнинг наинки иштирокчилари, балки курашчилари сафида бўлишининг ўзи бизга минг бахту саодат эрур.

Минг йилларни кўрган бизнинг кўзимиз,
Кундек ёниб, ойдек тўлган юзимиз.
Қишни кечиб ўтган майса-бўзимиз.
Айтган эдик, айтсак такрор сўзимиз:
Юртига бек бўлган ўзбек ўзимиз.

Қадим йўлга аёқ чўзса илдизлар,
Қалб осмонга бошин тираб йўл излар.
Юлдуз бўлиб ёғилганда юлдузлар,
Яна такрор айтар бўлсак сўзимиз:
Юртига бек бўлган ўзбек ўзимиз.

Азиз дўстлар, истиклолга қарайлик:
«Бутун кучни халқ ичидан олайлик,
Кучок очиб халқ ичига борайлик!»
Чўлпон бўлиб балқсин бүгун сўзимиз —
Юртига бек бўлган ўзбек ўзимиз

Кел, эй, офтоб, олтин тонглар мархабо,
Саодатли ҳуқуқ - онглар, мархабо.
Истибдодга қайтмас бонглар, мархабо,
Мархабо, эй, қалбдан қалққан сўзимиз —
Юртига бек бўлган ўзбек ўзимиз.

ИЙД АЛ - ФИТР БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar

O'zbekiston Respublikasi
prokuraturasi,
Toshkent shahar va Toshkent
viloyati prokuraturalari,
«Qonun himoyasida»
jurnali

Bosh muharrir:

A.ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Komiljon Ismoilov,
Botir Po'latov,
Baxtiyor Nazarov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Dilshod Islomov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Zayniddin Mamadaliev

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34

E-mail: huruq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma
va suratlar egalarga
qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.
Nashrimizdan qo'chirib
bosilgan «Huruq»-dan
olinganligi ko'rsatilish shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta andozasi tahririyat
kompyuter markazida
Pentium-II MMX - 333
kompyuterida sahilalandi.
Sahifalovchi B. SAIDOV
«Huruq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
konserni bosmaxonasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 1149
Nusxasi — 12720
Bosmaxonaga topshirish
vaqti 20.00
Bosmaxonaga
topshirildi 19.00

Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi
Nabatchi muharrir
D. HALILOV
Nabatchi N. MAHMUDOV
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

ЯНГИ АСР БЎСАҒАСИДА

КЕЛАЖАККА ИШОНЧИМИЗ ҚАТЪИЙ

Мана, XX асрнинг поёнига етишга ҳам санокли кунлар қолди. Бу асрда инсоният юксак тараққиёт даражасига эришди. Фан, техниканинг жадал ривожланиши туфайли тиббиётда, коинотни ўзлаштиришда, кибернетикада ва бошқа қатор соҳаларда оламшумул натижаларга эришилди, илм-фан, маданият барқ уриб ривожланди. Шу сабабдан ҳам, биз кузатаётган аср мозийга улкан кашфиётлар асри бўлиб кириши шубҳасиз.

Инсоният ҳеч қачон бир асрда шунчалик буюк ривожланишга эришмаган. XX аср инсон онгининг бекиёс имкониятлари борлигини кўрсатиб берди. Келажақ асрнинг тараққиёти ҳам албатта мана шу яратилган илмий асослар пойдеворида ривожланади.

Яқунлаётган юз йилликда башарият ана шундай улкан ютуқларни қўлга киритиш билан бирга беҳад азоб-уқубатларни ҳам бошидан ўтказди. Аср бошида бошланган очарчиликлар, миллионлаб одамларнинг умрига зомин бўлган мақсадсиз урушлар, атом хуружи, оммавий қатағонлар ва фашизмнинг ёвузликлари ҳам тарих саҳифаларида муҳланди.

КИШИГА таскин берадигани шундаки, инсоният онги, унинг тафаккури доимо яратувчилик, фаровонлик, яхши ҳаёт кечирishi каби эзгу ниятлар билан йўғрилган.

Маълумки, инсоннинг борлиқни тушуниши, унга ўз муносабатини билдириши тафаккурнинг шаклланишига олиб келади. Тафаккур эса инсоннинг объектив воқеликни тасаввур қилиши, тушуниши, фикрлаши ва уни муҳокама қилиш даражасига эга бўлишидир.

Ўз навбатида ижтимоий тафаккурнинг турли шакллари мавжуд бўлиб, шахс сиёсий, ахлоқий, эстетик, диний, ҳуқуқий тафаккурга эга бўлиши мумкин. Инсон онгининг, тафаккурининг юксалиши унинг жамиятда тутган ўрни, билими ва савиясига ҳам боғлиқдир.

Республикаимизнинг ҳуқуқий давлат қуриш йўлини танлаганлигини жажон жамоатчилиги ҳам қизгин қўллаб-қувватламакда. Мамлакатимиз Конституцияси, мана 9 йилдан ортиқки, мустақиллик йилларимизда қабул қилинаётган қонунларнинг асосини ташкил этиб келмоқда. Асосий қонунимизнинг 15-моддасида «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларнинг устуңлиги

сўзсиз тан олинади», дейилган. Бу эса давлатимизнинг шаклланиши қонуний пойдеворга асосланганлигидан далолат беради. Сир эмаски, бирон-бир давлат, бирон-бир жамият ҳуқуқий давлат қуришга бирданига кириша олмайдди, қолаверса унинг тайёр дастури ёки қўлланмаси ҳам мавжуд эмас. Бундай давлат йиллар давомида, босқичма-босқич, сакрашларсиз, халқчил қонунлар қабул қилиш ва унга амал қилишнинг қафолатлари билан шаклланади.

Республикаимиз мустақилликнинг биринчи йиллариданоқ, жажон ҳам-жамиятида умумэтироф этган ҳуқуқий нормаларга ҳамда миллий, тарихий анъаналаримизга мос қонунлари қабул қилиш йўлидан борди. Ҳозирда амалда бўлган қонунларимизнинг барчасини қабул қилишда халқимиз, шунингдек унинг вакиллари — Олий Мажлис депутатлари бевосита иштирок этмоқдалар.

Кези келганда шу нарсани айтиб ўтиш жоизки, фуқароларнинг бевосита қонунлар лойиҳаси муҳокама-сида иштирок этишлари учун улардаги умумий тафаккурнинг ўзи етарли бўлмайди. Лекин, Конституция-нинг ва ҳозирда амалда бўлган

қонунларнинг қабул қилинишида оддий фуқароларнинг фаол ишти-рок этишлари уларнинг ҳуқуқий та-факкури ҳам ошиб бораётганлиги-дан дарак бермоқда. Айни вақтга эса 300 дан ортиқ қонун, 10 дан ортиқ кодекслар қабул қилиниб амалга киритилган.

Миллий давлатчилигимизни мустақамлашнинг ҳозирги босқичида муҳим вазифаларни ҳал қилар экан-миз, демократияни янада ривож-лантириш ҳамда фуқаролик жамия-тини қарор топтириш истиқболла-рига асосий эътибор қаратмоқда-миз. Бошқарув функцияларининг маълум қисмини давлат ҳокимияти ва марказий органлардан шаҳар, туман, сўнгра эса фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларига ўтказиш жараёни фаол равишда амалга оши-рилмоқда.

Бу ҳақда Президент Ислам Кари-мов «Маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бош-қариш органлари бажарадиган вазифа-лар доирасини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич топши-риш лозим. Бунда энг муҳими қасб ва ижтимоий таркиб манфаатлари-ни янада тўлароқ ифодалаш ва химоя қилишда нодавлат, жамоат тузил-маларининг ҳуқуқ ва маъқеларини ошириш даркор», деб таъкидлаган эдилар. Албатта, давлат бошқарув функцияларининг фуқароларни ўзи-ни-ўзи бошқариш органларига бе-рилиши бу борада фаолият кўрса-таётган шахсларнинг ҳуқуқий тафак-кури қандай даражада эканлигига боғлиқдир. Чунки, жамиятни бошқа-риш, аҳолининг манфаатларини бир хилда химоя қилиш, халқнинг ва масъул шахсларнинг ҳуқуқий тафак-кури бундай тузилмаларни бошқа-риши, тушуниши ҳамда мулоҳаза юритишларига асосланади.

Шахснинг турли муҳитда тарбия-ланиши, ранг-баранг объектив ва субъектив омиллар таъсирида шакл-ланадиган ҳуқуқий тафаккури бир

хилда бўлмаслиги табиийдир. Ле-кин ҳозирда жамиятимизда вужуд-га келган муҳит фуқароларнинг ҳуқуқий тафаккури қонунларга рия-этиш, уни ҳурмат қилиш каби та-лабларни тан олиш йўсинида ри-вожлантирилган мамнуният билан эътироф этиш лозим. Фуқаролари-миз ўз ҳақ-ҳуқуқларининг қонунлар билан химоя қилиниши ва унинг қафолати таъминланганини англа-ган ҳолда меҳнат қилиш, тинч, осо-йишта яшаш йўлини танлаганлар. Давлат томонидан жамиятнинг бар-қарорлиги, халқнинг фаровонлиги-ни оширишга қаратилган тадбир-лар моҳияти, ўтиш давридаги ати-лаб камчиликларга ҳолисона баҳо беришга тафаккури етарли эканини ўз фаолликлари билан билдирмоқ-далар.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, XX аср халқимизнинг энг буюк орузи истиқлолга эришган-лиги билан жуда ҳам қадридлир. Халқимиз мустақиллик шарофати туфайли ўз йўлини танлади. Бугун-ги кунда эса халқимиз республика-сининг дунё ҳамжамияти орасида тенг ҳуқуқли ҳуқуқий демократик давлат даражасига етказиш учун бор имкониятларини ишга солимоқ-да. Ўзбекистон фарзандлари, дунё-нинг ривожланган мамлакатларида билим олмақдалар, барча соҳалар-да ватанимизни дунёга танитишга интилоқдалар.

Хулоса сифатида айтиш мумкин-ки, янги асрда давлатимиз ҳам та-раққий этган давлатлар қаторидан жой олиши, улкан илмий, иқтисо-дий юксалишларга эришишга ҳеч шубҳа йўқ. Президентимиз таъкид-лаган буюк келажагимиз, насиб этса янги асрда яратилади. Бунга барча-имизнинг ишончимиз қатъий. Қола-верса, бугунги барча саяб-ҳаракат-ларимиз ҳам ана шу улғу мақсадга қаратилгандир.

Ф. РАХИМОВ,
юридик фанлари
номзоди

РЕПОРТАЖ

«ИСТИҚЛОЛ»
ШАҲАРЧАСИ

ри жалб этилди. Минглаб кишилар кеча-кундуз тинимсиз меҳнат қилишди. Уларнинг унумли ишла-ши учун қулай шароит яратилди. Бу ерга вилоят раҳбарияти вақти-вақ-ти

си қурилиши ҳам ниҳоясига етқа-зилмоқда.

Ҳар қандай маскан, аввало, одам-лар билан фойз-барақалидир. Қу-вончи томони шундаки, биз шаҳар-

лар йигини раиси Қ.Олланазаров.

— Томоркаларни бўлиб бермай-сизларми? — яна унга савол билан мурожаат қилишди.

— Мана, дўконда бугдой соти-ляпти. Ерни ҳўжалик томонидан аж-ратилган трактор бегул ҳайдаб бе-ради. Ким галла эканан деса ҳози-рок томоркасини чегаралаб бера-миз. Тинчлик - хотиржамлик бўлса, вақти-соати билан ҳамма муаммо-лар ҳал бўлади.

— Раис тўғри айтади. Катталар бизни эътиборсиз қолдиришмай-сиз. Фақат озгина сабри бўлсак бас. Ҳар хил гап - сўзларнинг ҳожа-ти йўқ, — деди баяги оқсоқол наси-хатомуз оҳангда салмоқлаб.

Бу фикрни кўпчилик маъқулла-ди. Одамларнинг юз-қўзларига разм солдим. Уларда ҳавотир ва ҳадик сезилмасди. Аксинча, умидворлик ва ишонч балкиб турарди.

Тоғлиқлар қўлда эканан галла униб чиқди. Ям-яшил майсалар қалба қувонч бағишлайди. Ҳатто кимдир ўйи ёнига нилоҳ экишга ҳам улғу-рибди. Бу нилоҳлар XXI асрда ўсиб-униб шубҳасиз ҳосил беражақ.

...«Истиқлол»-дан еруф ҳаёллар билан қайтдик.

Янги аср, янги минг йилликда юртимиз тинч, ҳаётимиз мунаввар бўлсин.

Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ,
«Ҳуқуқ» мухбири

ти билан келиб турди. Ва тегишли раҳбарлар иштирокида вазиятни ат-рофича таҳлил этиб, қурилиш суъ-ратини жадаллаштириш борасида амалий ёрдам кўрсатиб борди. Натижада ниҳоятда қисқа муддат - уч ой ичида давлат ҳисобидан обод бир шаҳарча бунёд этилди.

Шаҳарчани айланар эканмиз, чўқур қоникши ҳосил қилдик. Бу ерда жами 364 оилга мўлжал-ланган турар жой бинолари қурил-ган. Ҳар бир хонадон эса уч хона ва айвондан иборат. Олдида томорқа учун ер ҳам ажратилган.

Шаҳарчага тоза ичимлик суви ва табиий газ келтирилган. Айланма йўллар асфальтланган. Тиббиёт маскани ва савдо дўкони ишлаб турибди. 392 ўринли мактаб бино-

чага шумқадам босқинчилар хуру-жидан жабрланганлар кўчиб кели-шаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Ва улардан айримлари билан суҳбат-лашдик.

— Мен Замонов Бўри бобо бўла-ман. Ёшим саксон бешда, — деб ўзини таништирди оппоқ соқолли отахон.

— Сиз қайси қишлоқдан?

— Қиштутдан.

— Яхши жойлашиб олдиларин-гизми?

— Худого шукр, яхши жойлашдик.

— Қийинчиликлар йўқми?

— Раҳмат, ёрдам қилиб тури-шибди.

— Кўрпа-тўшак бор. Бугун-эрта муҳтож одамларга тарқатамиз, — суҳбатга қўшилди шу ҳудуд фуқаро-

КАТТА ўзбек трактидан бурилиб, чамаси беш чакирим юргач, ўзгача бир манзарага дуч келасиз. Шеро-бод туман ҳудудидаги кенг далалар ўртасида қад ростлаган қўрқам ша-ҳарча кўз ўнгингизда намоён бўла-ди.

Бу ажойиб гўша атрофдаги тепа-ликлардан қафтдагидек кўриниб ту-ради.

Тартиб билан қурилган иморат-ларга қараб кўзингиз қувнайди.

Ҳали ҳеч кимнинг ёдидан чиқма-ган бўлса керак: шу йилнинг август ойи бошларида Ватанимиз сарҳад-ларига террорчи гасандалар тўдаси суқилиб кирган эди. Муқаддас ту-поғимизни ана шу ноқаслардан то-залаш чоғида Киштут, Ҳамидарча, Саринова каби тоғ қишлоқлари за-рар кўрди.

Республикаимиз раҳбарияти жабр-ланганларни тақдир ҳукмига таш-лаб қўймади. Уларга доимий ра-вишда ҳар томонлама ёрдам кўрса-тиб келинди. Бу хайрли ишга шах-сан муҳтарам Президентимиз бош-қош бўлганлиги айниқса таҳсинга сазовордир.

Жабрдийдалар вақтинча жойлаш-тирилган масканларда узоқ қолиб кетишолмасди. Шунинг учун ҳам тезда алоҳида шаҳарча барпо этиш-га киришилди.

Бу эзгу ишга вилоятдаги ўнлаб қурилиш ва транспорт ташкилотла-



Суратда: Хукуқшунос журналист Муаттар Асқарова прокурорлар билан ҳамкорликда ишлаш тўғрисида келишиб олмоқда.

Чорлов

НАСИБ ЭТСИН

(Янги аср остонасида)

Ўзбекистон қаҳрамони Саид Аҳмадга тележурналист «Сиз XXI асрни қандай кутиб олялсиз», деган саволни берди. Ҳозиржавоб ёзувчи эса шундай деб жавоб берди: «Янги асрни биринчи «свидания»га чиқаётган йигит қалбида қандай ҳаяжон бўлса, мен ҳам ана шундай ҳаяжон билан кутаяпман. Чунки, мен 80 йил XX асрда яшадим. Халқимнинг яхши-ёмон кунларида шерик бўлдим».

Янги асрни ҳаяжонсиз кутаётган инсоннинг ўзи бўлмаса керак. Янги асрнинг кириб келиш онларини кўриш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди.

XX асрнинг сўнги 4 йиллик тарихини ўз саҳифаларида мужассам этган «Хуқуқ» газетаси шу қисқа даврда ўз апрофига юзлаб иқтидорли муаллифларни бирлаштирди. Улар газетамизнинг сермазмун чиқишида имкон қадар хизмат қилди. Хўш, янги асрда фаол муаллифларимиз муштариёларимизга нималар вадда қилмоқда?

Ҳалимбой БОБОЕВ,
Тошкент юридик институти ректори,
хуқуқшунослик фанлари доктори, профессор



маган, тадқиққа муҳтож мавзулар кўн. Насиб қилса, яна шу мавзуларда қалам тебратиш ниятим бор.



Акмал САИДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази
директори, хуқуқшунослик фанлари доктори, профессор:



— Менинг дилимга ёруғлик соладиган парса, «Хуқуқ» газетасида ва «Қонун ҳимоясида» журналида энгил-елли мавзуда мақолалар беришмакди. Илмий жиҳатдан таҳлил қилинган мақолалар муаллифлар зиммасига катта масъулият юклайди. Насиб қилса, мен ҳам имкон қадар бир қанча илмий-амалий ва оммабон мақолалар билан қатнашаман. Келгуси йилда «Конституция сабоқлари» деган рукнда туркум мақолаларни тайёрламоқчиман. Конституциямизнинг 8 йиллигига бағишланган йиғилишда Президентимиз Ислам Каримов Конституцияни боғча ва мактабларда ҳам фарзандларимизга ўргатиш кераклиги ҳақида алоҳида таъкидладилар. Бу сўзларда чуқур маъно бор. Яна бир ниятим — «Авесто» муҳим хуқуқий ёдгорлик мавзусида мақолалар тайёрлаш. Насиб қилса, ана шу мақолаларимни «Хуқуқ» газетаси ва «Қонун ҳимоясида» журнали муштариёлари ҳужмига ҳавола этмоқчиман. Азар тахририят «Хуқуқий меросимиз тарихидан лавҳалар» рукнини ташкил қилса, фикс илмга катта ҳисса қўшган улуғ алломаларимиз ҳақида ҳам туркум мақолалар ёзиш ниятим бор.

ДЕЛЕГАЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

19 декабрь куні Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари П.Бобононов халқаро хуқуқни ҳимоя қилувчи «Хьюманс Райтс Уотч» ноҳуқумат ташкилоти делегациясини қабул қилди. Делегация ташрифидан мақсад ташкилотнинг йиллик маърузаси лойиҳасини муҳокама қилиш бўлиб, учрашувда «Хьюманс Райтс Уотч» нинг ижрочи дирек-

тори Кеннет Роут, директорлар кенгаши аъзоси доктор Сигрид Хотт, ташкилотнинг Марказий Осиё бўйича етакчи мутахассиси доктор Кассандра Каванах, тадқиқотчи Акеша Шилдслар иштирок этишди. Шунингдек, учрашувда Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг масъул ходимлари Б.Ҳўжаев, Н.Файзуллаев ва А.Тургуновлар иштирок этишди.

ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОР БЎЛСИН!

«Абдулҳамид ака билан Наманганда бирга ишлаганмиз, — деган эди бир суҳбатда Андижон вилоят прокурори, III даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Умматалли Шамсиев гап орасида. — Камтар, «бу менинг ишим эмас, бу менинг вазифамга кирмайди», дейишни ҳаёлига келтирмайди. Биронта ишни тўқис қилмагунча кўнгли тўлмайди.

Абдулҳамид ака билан суҳбатлашиб қайтаётганимда беихтиёр ана шу сўзларни эсладим. Иши, турмуши ҳақида одатдаги саволларни бера бошлаганимда суҳбатдошим, «таржимаи ҳолида ёзилган», деди ўнғайсизланиб. Кейин гапни прокуратура ходимлари биргаликда қилаётган ишларга буриб юборди.

— Президентимизнинг Амнистия тўғрисидаги Фармони билан шуғулланаяпмиз. Бу Фармоннинг инсонпарварлиги шунчалик беқийёси, ҳазони ўташдан овоз қилинганлардан бири «қамокда бир кун ўтиришни душманамга ҳам раво кўрмайман, юртбошимиз барака топсин», деди. Ҳокимият қошидаги ижтимоий кўнжика маркази ҳазони ўташ жойларидан қайтганлар бирон-бир ишга жойлашиб олгунча моддий ёрдам кўрсатиши керак. Туманимизда 43 нафар собик маҳбусга олти юз ўттиз икки минг сўм тарқатилмабди. Баъзиларига минг-икки минг сўмдан берилган. Прокуратурамиз Алишер Тожиев ҳокимликка киритган амрнома билан бу маблағ эгаларига тақсимланди. Бу ишга масъул шахслар қамалиб келганлар руҳий тушунлиқ ёки ночорлик туфайли такрор жиноятга қўл уришга мойиллигини унутмасликлари керак...

Чуст тумани бу йил пахта тайёрлаш бўйича шартнома режаларини бажара олмади. Туман прокуратураси бунинг сабабларини ўрганганда деҳқон-фермер ҳўжаликлари контрактация шартномаларига риоя қилмаганилиги, пахта ўрнига бошқа экинлар экиб, режани барбод этганлари маълум бўлди. «Жавоҳир», «Сўзма», «Рустам» деҳқон ҳўжаликлари раҳбарлари Б.Раҳимов, Х.Абдусодиқов ва А.Рустамовга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди. Бошқа экинлар экиб, шахсий манфаатларида фойдаланган, транш орқали турган маблағларни ўзлаштириб юборган 15 нафар деҳқон-фермер ҳўжалиги бошлиқларидан 1 миллион 600 минг сўм ундирилди. Прокуратура ўқувчиларга пахта терими даврида тўланмаган меҳнат ҳақи бўйича 27 та давво аризаси киритди. Улар суд томонидан қаноатлантирилди, 2 миллион 100 минг сўмдан зиёд иш ҳақи теримчиларга тўланди...

Булар Чуст тумани прокурорининг ёрдамчиси Абдулҳамид ака Абдувоҳидов ҳаммақаблари билан шу кўнларда қилаётган, фуқароларнинг ҳуқуқларини тиклашга, қонунбузарликларни бартараф этиш ва олдин олишга оид катта ҳажмдаги ишлардан айиримлари, холос. Олтимси бир ёшга кирса-да, куч-ғайратига ҳавас қилса бўладиган прокурор ёрдамчиси баъзида икки-ўч ходим ҳам унгуришни қийин топиширларни ўз муддатига, тўқис адо этиб келаяпти.

У қискача таржимаи ҳолида Янгикўрган тумани прокуратураси терговчиси, Тўрақўрган, Поп туманла-

рининг прокурори, Чуст туманлараро прокурорининг ёрдамчиси, прокурор ўринбосари, Наманган вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори лавозимларида ишлаганини қайд этган. 1968 йилдан 1992 йилгача Поп тумани корхоналаридан бири-

рини тергов қилганди. Поп тумани қишлоқларидан бирида тўрт йигит бир навиҳол қизни Сирдарё соҳилига олиб бориб зўрлашга уринишди. Қиз уларнинг қўлидан улкиниб чиқиб, қоча бошлаганида зўравонлардан бири ортидан қувиб бориб, уриб ўлдирди. Марҳумнинг бошидаги жароҳат изидан бошқа бу иқрорномани тасдиқлайдиган ҳеч қандай далил йўқ эди. Бошқа айбланувчилар эса бир-бирига зид қўрсатма беришди. Қотиллик қуроли топилмаганди. Абдулҳамид ака устози Воҳиджон Сабитуллаевдан

ИНСОН ҚАДРИ



ёрдам сўради. 70 ёшда пенсияга чиққанди. Воҳиджон, «воқеа жойини кўрайлик-чи», деди. Соҳилда қалинлиги билақдай синган тол қўчатиға эътибор берди. Айбланувчи ана шу тол қўчатидан калтак синдириб олиб, қизнинг бошига урганини, кейин дарёга ташлаб юборганини эслайди. Ана шу калтакни топайлик, сув қирғоққа чиқариб қўйган

бўлиши керак, деди Воҳиджон ака. Бутун соҳилни излашди. Дарҳақиқат бир неча чақирим нарида синган тол новдаси ётарди. Новда билан қўчат синиклари солиштирилганда бир-бирига мос тушди. Новда-таёқнинг синган учидан бир неча соч толарали ёпишиб қолганди. Суд-тиббий экспертизаси ушбу соч толарали марҳумнинг соч толарали билан айнан бир хиллиги тўғрисида хулоса берди...

— Арзимасдай туюлган ҳолатлар, из ва нарсалар жиноятни фош этувчи далил бўлиб чиқади, — дейди Абдулҳамид ака.

У камдан-кам муяссар бўладиган буш пайтларини оиласи даврасида ўтказишни хўш кўради. Умр йўлдоши Саломат опа муаллими. Уч ўғли уйланган, бир қизи турмушга чиққан. Неваралари билан ҳар кўни йўқлаб турмишда. Яна ўртқолари ҳам ҳол-аҳвол сўрашни қанда қилишмайди.

— Президент Фармонига кўра Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист унвони билан табриқлаганимдан бундан бехабар Абдулҳамид аканинг қўзларидан ёш қалжиди, — деди Чуст туманлараро прокурори, адлия маслаҳатчиси Алишер Тожиев.

Камтарона меҳнат шунчалик кадрлангани уни тўқинлантриб юборганди. Инсон қадри, инсон меҳнатининг қадри сарбаланд юрт равақ топаредди.

Исроил ИБРОХИМОВ,
«Хуқуқ» муҳбири

XXI асрда ҳам «Хуқуқ»

ЯНГИ АСРДА

ҲАМ ИЖОДИЙ КЎТАРИНКИЛИК СИЗНИ ТАРК ЭТМАСИН!

Бутун инсоният буюқ тарихи воқеа арафасида турибди — XXI аср эшик қормоқда. XX аср билан ҳаяжонли хайрлашув онлари шиддат билан яқинлашиб келмоқда. Аср билан хайрлашув эса сарҳисобсиз бўлмайди.

Умр-оқар дарё, деб бежиз айтишмас экан. Хар ҳафтанинг қоршанбасида биз, журналистлар тилида «летучка» дейиладиган йиғилишларда кўзимизнинг нурини тўкиб ёзган материалларимиз учун эшитганимиз гоҳ ширин мактуб, гоҳ аччиқ танқид таъсиридаги икки хил кайфиятда юриб, тарихий йилни ҳам адоғига етказиб қўйибмиз. Бугунги улуг айём кунлари-рамазон ҳайити арафасида кайфиятимиз эса мутлақо бўлакча. Утган умримизга шукроналик, кириб келаётган XXI асрнинг яхши нарсаларни ваъда қилишига бўлган ишонч, умид ва орзуларга пайваста руҳий кўтаринкиликдан кўнглимиз кенгайиб кетгандек!

Ўзини ижодга бағишланган одам учун энг муҳими — бу ижодий кўтаринкилик. Тахририятимизда ана шундай муҳит яратилган. Бунинг меваси ўларок, кўпсонли жамоатчи мухбирлар ва журналистларимиз йил бўйи илҳом билан қалам тебратдилар. Уларнинг ранг-баранг, долзарб мавзуларга бағишланган ўқишли материаллари «Хуқуқ» саҳифаларидан жой олди. Летучкаларда эса уларнинг ижодий ишлари мунтазам баҳолаб борилди.

Летучкаларда ва ўқувчиларимиз томонидан телефон, мактуб орқали билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида ўтаётган йилнинг энг яхши материаллари саралаб олинди ва энг яхши, фаол муаллифларимизнинг номлари аниқланди. Биз эса хуқуқ мавзусида дадил қалам тебратиб ёзган ёш журналистларимиз орасида янги номлар пайдо бўлганини мамнуният билан қайд этамиз.

Ниятимиз шуки, ижодий ва руҳий кўтаринкилик Сизни ҳеч қачон тарк этмасин!

**2000 йилнинг
Танишинг, энг яхши
материаллари:**

1. «СУД МУСТАҚИЛЛИГИ КАФОЛАТИ».

Муаллиф: Мавжуда Ражабова, юридик фанлари номзоди, «Хуқуқ», 3-сон.

2. «ДОМЛА САЙДАЛИЕВ ФАЛСАФАСИ».

Муаллиф: Дониёр Халилов, «Хуқуқ», 17-сон.

3. «ВАГОНЛАР ТУРИБ ҚОЛАЯПТИ».

Муаллиф: Уктам Бўриев, Термиз транспорт прокурори, «Хуқуқ», 20-сон.

4. «ТУҲМАТ БАЛОСИ».

Муаллиф: Райимбой Отажонов, Беруний туман судининг судьяси, «Хуқуқ», 22-сон.

5. «АРМОНЛИ ДУНЁ».

Муаллиф: Ҳафиза Эгамбердиева, журналист, «Хуқуқ», 21-сон.

6. «ҚОНУНГА ҲУРМАТСИЗЛИК».

Муаллиф: Ботир Пулатов, Чирчик шаҳар прокурорининг ўринбосари, «Хуқуқ», 24-сон.

7. «СУДДА АПЕЛЛЯЦИИ ТАРТИБИ».

Муаллиф: Бахтиёр Жамолов, Олий суд раисининг ўринбосари, «Хуқуқ», 32-сон.

8. «ЯПРОҚЛАРДА РУҲЛАР ШИВИРИ».

Муаллиф: Довуд Махдий, Қашқадарё вилоят прокуратураси ходими, «Хуқуқ» 32-34-сонлар.

9. «51% МОЖАРОСИ».

Муаллиф: Дониёр Халилов, «Хуқуқ», 34-сон.

10. «ҚАНОТИ ҚАЙРИЛГАН ЛОЧИН».

Муаллиф: Абдурахмон Мустафоқулов, «Хуқуқ», 35-сон.

11. «МЕДАЛНИНГ ОРҚА ТОМОНИ».

Муаллиф: Светлана Ортиқова, Республика прокуратураси бўлим бошлиғи, «Хуқуқ», 37-38-сон.

12. «ҚАРЗ. У АСЛИДА КИМНИКИ?».

Муаллиф: Абдурахмон Мустафоқулов, «Хуқуқ», 39-сон.

13. «ЁЗУВЧИ ТАМҒАСИ».

Муаллиф: Исроил Иброҳимов, «Хуқуқ», 40-сон.

14. «НИМА УЧУН ОЛДИНИ ОЛМАЙСИЗ?».

Муаллиф: Н.Холматов, Олтинқул тумани прокурори, «Хуқуқ», 45-сон.

15. «СОҒИНЧЛАРИМ КИПРИГИМНИ ЭҒАДИ...».

Муаллиф: Жаҳонгир Шарофбоев, «Хуқуқ», 47-сон.

16. «ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИ КЕРАКМИ?».

Муаллиф: Ислам Жасимов, Республика прокуратураси бўлим бошлиғи, «Хуқуқ», 49-сон.

Энг фаол муаллифларимиз

1. Довуд Махдий, Қашқадарё вилоят прокуратураси ходими.
2. Гулрух Ёрматова, журналист.
3. Уктам Бўриев, Термиз транспорт прокурори.
4. Норбой Бобоев, Республика прокуратураси бўлим бошлиғи.

ТАХРИРИЯТ



ДИЛИМДА БИР СЎЗ

Дилимда бу сўзни раҳмон,
Қолдирди, олиб кетмади.
Кўнлар айтди, эй воҳ, армон,
Қолдирди, олиб кетмади.

Ёхўд қаландар ёки хон,
Кимхобми ё жулдур чопон.
Вақосиз ердан бир макон,
Қолдирди, олиб кетмади.

Дунё юкин кўрсил баҳам,
Етар у сену менга ҳам.
Мол топарлар не этди жам,
Қолдирди, олиб кетмади.

Мансуро, йиғ сўз гавҳарин,
Ҳокисору бўл камтарин.
Неча шоирлар дафтарин
Қолдирди, олиб кетмади.

Чорлов



Илҳом ЗОИР,

ҳажвчи:

— Бир марта мириқиб кулган одам 10 та туҳум ютгандек кучга тўларкан. Бу ҳажвчиларнинг гапи. Кулиб юрганга нима етсин. Тугриси, асримизнинг сўнги йилларида менинг назаримда одамларимиз бир оз жиддийлашиб қолгандай. Ҳамма даврда ҳам муаммолар бўлган. Аммо, одамлар кулини унуттирмаган. Биз худога шукр қилишимиз керак. Гапимга ишонмасангиз, телевизор кўйиб кўринг. Дунёнинг қайси бир бурчагида сув тошқини, яна бир жойда қирғинбарот жанглар бўлаяпти. Юртимизга кўз тегмасин. Тинчлик ва осойишталик бўлсин. Осойишта юртга эса кулги ярашади.

Утган бир йил орасида «Хуқуқ»чилар билан яхши ҳамкорлик қилдим. Кўнлаб янги ҳажвчиларимиз эълон қилинди. Насиб қилса, келгуси йил ҳам ижодий ҳамкорлигимиз давом этади деган умиддаман.

Ўйдош ПАРДА, ёзувчи:

— Инсоннинг ёши бир жойга бориб қолгач, ўтган умрига тез-тез назар соладиган бўлиб қоларкан. Ҳаётда нималарга эришдим, нималарни бой бердим, деган савол қалбимда тез-тез чарх ураркан. Айниқса, янги йил арафасида кўпчилик янги йил учун режаларни тузиши табиий. Менинг ҳам келаётган йилимиздан умидим катта. «Хуқуқ» муштарийларига миллий қадриятларимиз ва халқаро мавзуларда чиройли мақолаларни аргумон қилиш ниятим бор.

Таржимани улуг ёзувчилар адабиётининг дил кўпригига қиёс қилишади. Таржимонлар эса дил кўпригининг усталаридир. Бу йил немис хандалари тўплами чоп этилиб, ўқувчилар қўлига тегди. Немис исломишунос олими Шиммер хонимнинг «Жонон менинг жонимда» асарини ўзбек ўқувчилари, А.Навоийнинг газалларини таржима қилиб немис ва инглиз ўқувчилари ҳужмига ҳавола этдим. Яна бир ниятим — келгуси йил Германиядаги хуқуқий тизим ҳақида туркум мақолалар ёзмоқчиман. Ниятлар бисёр. Асосийси, соғлиқ бўлса, муштарийларнинг дилига яқин яхши мақола, таржималар улар ҳукмига ҳавола этилади.

Тахририятдан:

Бизнинг тилагимиз — ниятингиз ўйдошигиз бўлсин. Бизга эса сизларнинг сермазмун мақолаларингизни ўқиш насиб этаверсин!

билан бирга бўлинг!



Муҳаммаджон Соипов ички ишлар бўлимида 20 йилдан буён хизмат қилиб келади. Бўш вақтларида эса ижод билан шуғулланишни яхши кўради. Унинг «Илон ўргатувчининг ҳалокати», «Жийда майдондаги қотиллик» детектив қиссалари китоб ҳолида чоп этилган. Муҳаммаджон шеър ҳам машқ қилиб туради. Унинг бу соҳадаги истеъдодини баҳолаш сизга ҳавола.

УМР

Умр калта, тун узун,
Тонглар сира отмайди.
Қалбимдаги доғларни,
Ювган билан кетмайди.

Умр калта, тун узун,
Зухро юздуз қулади.
Бевофо ёр жафоси,
Юрагимни ўяди.

Умр калта, тун узун,
Ой бошимни силайди.
Суйган ёрим юз буриб,
Ўзга йўлни кўзлайди.

Умр калта, тун узун,
Юлдузлар кўз ёшимдир.
Вафо истаб эгилган,
Оймас менинг бошимдир...

ФАРҒОНАГА

КЕТГИМ КЕЛАДИ

Қир-сойлари жаннатга қиёс,
Чаманзорни тўғайларга мос.
Саҳролари гуллардан қийғос,
Фарғонага кетгим келади.

Аждодлари улугъ авлиё,
Тупроқлари кўзга тўтиё.
Умидлари топқайдир рўёб,
Фарғонага кетгим келади.

Сувлари париларга хос,
Ошиқлари қўллариди соз.
Келинлари боқимида ноз,
Фарғонага кетгим келади.

Гўзаллари севгига содиқ,
Момолари удмидан воқиф.
Қўллардаги хинога боқиб,
Фарғонага кетгим келади...

(С.Симоновдан)

Мен севгандим. Телбадай хиёл
Қалбда қўшиқ бундай атодан.
Моно Лиза бокира аёл
Қулиб боқди менга матодан.

Алдангандим. Сурардим хаёл.
Қалбда нола бундай хатодан.
Моно Лиза қув, маккор аёл
Қулиб боқди менга матодан.

(Ҳазил)

Топган билан тўлмайди кам,
Рўзгор эмас ғор каби гўё.
Янгангизнинг кўзида ғами,
Нимагадир «зор» каби гўё.

Қир юваркан, йўқ гул асир,
Қиприклари «хор» каби гўё.
Ерга тушган сочи ман сари
Ўрмалайди мор каби гўё.

Оқ кўйлагим сувга босаркан,
Азиз қўлда «хор» каби гўё.
Силкиб-силкиб дорға осаркан,
Тўзғиб кетса қор каби гўё.

Текисларкан, дунё кенг, етук,
Қўрилади тор каби гўё.
Алам билан босади ўтук
Ман ичида бор каби гўё.

Довуд МАҲДИЙ,
прокуратура ходими

ХАЁТНИЙ ҚАТРАЛАР

Ҳамжиҳотлик

— Нега қурий бошладинг?
— деб сўрашибди ёш Чинордан.
— Дарахнинг ўсиб улғайиши учун унинг илдизи, танаси ва япроқлари бир тану бир жон бўлиб яшаши керак экан,
— хўрсиниб жавоб қайтарибди у.

Манманлик

Кум устига ўрнатилган Капа:
«Мен одамларни жазирамадан сақлаб келмокдаман» — дея мактанибди.
Қаердандир шамол ва тўзон туриб, капани узок-узокларга учириб кетибди.

Амалпарастлик

— Нега сен денгиз тубини ёқтирмайсан? — деб сўрашибди Балиқдан.
— Ахир мен денгиз ҳокими-ман-ку!, — дебди балиқ ва юқорига интилибди.
Денгиз тўлкини балиқни қирғоққа улоқтириб ташлабди.

Ростўйлик

— Сенинг Кўзгудан фарқинг нима? — деб сўрашибди Ойнадан.
— Кўзгу одамларга ҳаётнинг «аксини» кўрсатади, менда эса ҳаёт қандай бўлса, шундайлиги кўринадди, — деб жавоб берибди Ойна.

Муҳтор ШОДМОНОВ,
адлия кичик маслаҳатчиси

Боир ХОЛМИРЗАЕВ:

«УНУТИЛМАС РОЛИМ ҲАЛИ ОЛДИНДА»

Кейинги йилларда ўзбек сахнасида қатор истеъдодли актёрлар ўзига хос ижроси, ажойиб маҳорати билан элга танилиб, муҳлис-ларнинг севилими санъаткорлари сирасидан ўрин олишга муваф-фак бўлишди. Театр сахнасидаги, телевидение экранидagi эсда қоларли, ёркин роллар билан томошабинлар меҳрини қозongan шундай ижодкорлардан бири Боир Холмирзаевдир. Барча серк-ирра истеъдод соҳибларида иш кўп, вақт тигиз бўлганидай, бу ижодкорни ҳам мулоқот учун ушлаш осон кечмади.

— Боир ака, сиз гоҳ телевидени-еда, гоҳ театрга, гоҳ радиодасиз...

— Биласизми, энг эзгу орзула-римдан бири театрга, кино ва те-левидениеда, радиода тинимсиз роллар ижро этиш. Орзу ушалиши йўлида эса узлуксиз изланишда бўлиш, мунтазам меҳнат қилиш керак. Бунинг устига талаб, так-лиф борлиги ижодининг, истеъдодининг кимларга-дир кераклигидан далолат-ки, бу ўз-ўзидан кишига куч-гайрат, илҳом бағишлайди.

— Муҳлисларга сиз кўпроқ телевидениедаги ролларингиз орқали танилгансиз...

— Телевидениеда йирик ролларга илк бор Мираб-бос Мирзаахмедов таклиф қилганлар. Ҳозирга қадар телевидениеда 15дан ортиқ катта-кичик ролларни ижро этдим. «Рўқлар исбни»да Бобур, «Жалолиддин Хоразмшоҳ»да Фиё-сиддин, «Увайсий»да Машраб, «Ал-Бухорий»да Ат-Термизий ролла-рини ўйнаган бўлсам, «Кўнгил кўча-лари»да шифокор Жавлон, «Қабо-хатта қуйилган тузук»да Равшан, «Занжир»да Баҳром образларини яратдим. «Оталар сўзи - аклнинг кўзи» кўрсатувида мунтазам иш-тирок этиб келаман. Умуман, те-левидениенинг имкониятлари жуда кенг. Санъаткорларни марказдан тортиб энг чекка кишлоқчага та-ништирадиган майдон деб бема-лол айтиш мумкин.

— Телесахнада ҳар хил ролларни ижро этиш турли режиссёрлар би-лан ижодий ҳамкорликда бўлиш де-ган гап...

— Албатта. Актёр учун турли ре-жиссёрлар билан ишлаш ўзига хос мактаб вазифасини ўтайди. Санъ-атимиз равнакига муносиб ҳисса қўшиб келаётган таниқли режис-сёрлар билан ҳамкорлик қилиб ке-лаётганимдан мамнунман. Қўза-тишларим асосида шунини айтишим мумкинки, Мираббос Мирзаахме-дов шиддат билан ишлашни ёқти-рса, Маҳкам Муҳамедов шошмас-дан, бемалол меҳнат қилишни хуш кўради. Маҳсуд Юнусов тарихий-ликка жиддий эътибор беришга

ўргатганлар. Санжар Бобоев эса ижрода табиийлики талаб қилади. Баҳодир Аҳмедов би-лан «Қабохатта қуйилган тузук» видеофильмида бирга ишлага-нимизда у кишининг актёрдан янгликини, ўзига хосликини та-лаб этишига ишонч ҳосил қил-ганман. Умуман, яхши режис-

жон Ғофуров каби устозлардан са-боқлар олиб, бирга ишлаш бахтига муяссар бўлдим. Ижод йўлида менга фотиҳа берган устозим таниқли санъ-аткор Ҳамза Умаровдир.

Театр мен учун иккинчи уйга айла-ниб қолган. Бирон кун бормасам, ни-манидир йўқотгандай ҳис қиламан ўзимни. Санъат сирларини шу дар-гоҳда ўргандим. 60 дан ортиқ катта-кичик роллар ижро этдим. «Фарҳод ва Ширин»да Шеруя, «Давлат болала-ри»даги Бутур ва бошқалар шулар жумласидандир.

— Ўзингиз учун энг сеvimли ролингиз қайси?

— Театр ва телевидениеда 80 га яқин ролларда ўйнадим. Актёр-ларнинг суюкли роли бўлади, ал-батта. Лекин мен ҳаётимдаги унутил-мас ролимни ҳали ижро этганимча йўқ.

— Бошқа йўна-лишларда ҳам ўзин-гизни синаб кўрай-сизми?

— Ҳозир кинода эса ижро эта бошладим. Му-роод Ражабовнинг «Пари момо» филь-мида Султонали образини яратдим. Яна қатор таклифлар бўйича ижодий сафарлар бошланиш арафасида. Ра-диотеатр, дубляж йўналишларида ҳам мунтазам иштирок этиб турибман. Му-стақиллик, Наврўз каби байрам тад-бирларида ҳам доим қатнашиб кела-ман. Қисқаси, ишлар ҳам, режалар ҳам жуда кўп.

— Муҳлислар учун оилавий аҳоли-гизни биши ҳам қизиқарли...

— Жамоа ҳўжалиги ишчилари - Мир-заали ака ва Сайдинисо ака хонадони-да туғилиб ўсганман. Ота-онанинг 10 нафар фарзандлари қаторида вояга етдим.


Ҳозирда ўзимнинг тўртта фарзан-дим бор. Турмуш ўртоғим ҳамшира. Уч ўғил, бир қизнинг ичида Оловид-дин деган ўғлим бошқача. «Оталар сўзи — аклнинг кўзи»да бир-икки мар-та рол ҳам ўйнаган. Кейинроқ икти-содчи бўлишга қизиқиб кетди. Фар-зандларим санъаткор бўлмаса ҳам ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишларини истаيمان. Муҳими, санъатга мадани-ятга ихлоси, меҳри баланд инсонлар бўлишсин.

Сўхбатдош:
Нозима ТОШПҲУЛОВА,
ТошДЖТУ талабаси



Дўстлар, янги 2001 йил билан!

**Бу ажойиб байрам билан ҳаммани табриклаймиз!
Келаётган йил ва янги аср сизларга қувонч ва омад
олиб келсин!
Соғ ва бахтли бўлинглар!**



UZDUNROBITA

DIYORIMIZ BO'YLAB BIZ BILAN

cellular

НИГОХ

XX АСР ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР



риёга айланди. Таъбир жоиз бўлса, шуни айтиш мумкин-ки, мана шу улкан империя вақти келиб бутун ер юзидagi мамлакатларга таҳдид солувчи ва жаҳон ҳукмронлигини даъво қилувчи кучга айланди. Эътироф этиш керак, мана шу империя мисолида тажриба қилиб қўрилган социализм инсоният асрлар мобайнида орзу қилган ижтимоий-теглички ўзида муҳассам этган ғоялардан бири ҳисобланади. Лекин, нима учундир, социализмнинг инсон фитратига мос эмаслиги сабаблими, «социалистик лагер» номи олан тажриба майдонида бу ғоя қайсидир маънода ўзини оқламади.

Юқорида айтилганидек, империализм сиёсати келтириб чиқарган урушлар ҳам глобалнинг чексиз даъволари-ю мағлубларнинг ҳадсиз аламлари сабаб янги-янги зиддиятларни келтириб чиқаравар эди. Коммунистлар таъбири билан айтганда, «молия капиталининг энг реакцион, энг шовинистик, энг империалистик элементларининг ошқорла террористик диктатураси» бўлган фашистик режим жаҳоннинг баъзи мамлакатларида ўрнатилиши зиддиятларнинг янада ортишига, янги уруш ўчоғининг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Дастлаб Италияда, кейинроқ Германия ва бошқа бир қанча мамлакатларда фашистик тузум ўрнатилди. Национал-социализм байроғи остида майдонга чиққан Германия фашизми II жаҳон урушини бошлаб берди. Инсоният тарихида мисли қўрилмаган қирғинлар ва талофатларни келтириб чиқарган бу уруш жабрини ўша пайтда ўз танида синаб кўрмаган инсон боласи қолмаган эди, дейилса ҳеч муболага бўлмайди. Кечроқ бўлсада, фашизмнинг инсоният олдидagi ҳавфини тушуниб етган кучларнинг олиб борган курашида улкан йўқотишлар эвазига бўлса-да галабага эришилди. Герман фашизми ва Япон милитаризмининг мағлубияти билан ақунланган Иккинчи жаҳон уруши бир томондан жаҳон

сиёсий харитасида янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган бўлса, иккинчи томондан жаҳоннинг социалистик ва капиталистик системаларига бўлинишини тезлаштириб юборди. Урушлар тарихи ичиди энг кўп мамлакатлар тортилган ва энг кўп қурбон берилган Иккинчи жаҳон уруши қалбларда шу қадар чуқур жароҳат қолдирдики, унинг асоратидан инсоният ҳали - ҳануз қутула олгани йўқ. Бу урушни бемаълум XX асрнинг энг буюқ фожеаси деб айтиш мумкин. Фашизмга қарши кураш зарурати бирлашишга мажбур этган йирик давлатлар, хусусан, СССР ва секин - аста жаҳон ҳокимиятига даъвогар сифатида дунё сиёсатида чиқиб келаётган АҚШ ўртасидаги зиддиятлар ва манфаатлар ҳар хиллиги мана шу урушнинг дастлабки пайтларидек кўриниб турарди. Айниқса, бу ҳол урушнинг сўнгги йилларида яққол кўзга ташланар эди.

Бу нарса асрнинг яна бир муҳим воқеаси - Ядровий қуролнинг кашф этилиши билан ҳам янада кучайди. Урушда галабани буткул бой берган Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарлари узра парвоз қилаётган АҚШ ҳарбий самолётлари асрнинг яна бир фожеасини ортмоқлаб бормоқда эди. Оқибат минг-минглаб беғунох инсонларнинг ёстиғи қурди, энг дахшатлиси, ядровий қуролни синаб кўриш учун полигон вазифасини ўтаган ўша шаҳарларда кучли радиация ҳодисаси узок вақт ўз асоратини сақлаб қолди. Бу ҳодиса ўз-ўзидан урушдан катта талофатлар билан чиққан мамлакатлар ўртасида ҳақиқий қуролланиш пойгасининг бошланишига ҳам туртки бўлди.

Иккинчи жаҳон урушида фашистлар Германияси ва унинг иттифоқчилари устидан қозонилган галабада асосий куч ролини бажарган Совет иттифоқи учун бу уруш қайсидир жиҳатдан айна мудоо бўлган эди. Ана шу жараёнда жаҳон сиёсий харитасидан «социалистик галаба қозонган» мамлакатлар сони ортиб борди. Иккинчи томондан АҚШ ҳам

энди «жаҳон манфаатлари ифодаси» сифатида ўз ҳарбий салоҳиятига суяниб иш юрита бошлади. Шуни айтиб ўтиш мумкин, Иккинчи жаҳон урушидан кейин Европа мамлакатларига тегишли бўлган иқтисодий, сиёсий, ҳарбий қудрат океан ортига - АҚШга кўчган эди.

Мана шундай сиёсий вазият ордан кўп ўтмай дунёнинг икки ҳарбий блок - НАТО (1949 йил) ва Варшава шартномаси (1955 йил) мисолида капиталистик ва социалистик лагерларга бўлинишига олиб келди. «Совет уруш» номи олан бу икки йўналиш ўртасидаги сиёсий кураш мисли қўрилмаган қуролланиш пойгасини келтириб чиқарди. Унинг келтириб чиқарган оқибатлари ва бу пойганинг ҳали- ҳануз давом этаётгани ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Ўтаётган асрнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, мана шу асрда Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги ўнлаб мамлакатлар мустамлака зулмидан озод бўлиб, ўз тараққиёт йўлига тушиб олдилар. Айниқса, деярли барча ҳудудлари йирик империалистик давлатларнинг мустамлакалари бўлган Осиё ва Африка қитъаларида ўнлаб суверен давлатларнинг пайдо бўлиши асрнинг мисли қўрилмаган воқеалари сирасига кирарди.

XX асрнинг 60-йилларида келиб инсониятнинг космосни ўзлаштиришига бўлган интилишининг ортиши, айниқса, Ердан Ойга фазо кемасининг учурилишини муҳим воқеа сифатида эътироф этиш зарур. Бу буюқ кашфиётнинг инсоният цивилизациясидаги тугган ўрнини бир ёки икки мақола билан шарҳлаш имкони ҳам йўқ. Ва шу билан бирини «космосда қуролланиш» талвасасини истисно этиб, тарихда урушларни назарда тутмаганда бу каби инсоният шуурига кучли таъсир кўрсатган воқеани кўрсатиш қийин. Бу ахир Аллоҳнинг ер юзи макон қилиб берилган бандалари тафаккурининг энг олий маҳсули эди-да.

Асрнинг 20-йилларидан бошлаб дунё мамлакатларининг доимий эътиборини тортти турган СССР юз йиллигининг иккинчи ярмига келиб, ҳарбий - сиёсий жиҳатдан оёққа туриб олди. Эндиликда зўр бериб бошқа мамлакатларга социализмни экспорт қила бошлади ва бу йўлда кўпгина муваффақиятларга эриша бошлади. Бунда у йил сайин ортиб бораётган ҳарбий салоҳиятига ва кучли дипломатияга суянар эди. 1944-45 йиллардаёқ Европада 7 мамлакатда (асосан Жанубий - Шарқий Европадаги давлатлар), Осиёда 2 мамлакатда, 1949 йилга келиб Шарқий Германия (ГДР) ва Хитойда, 1959 йилда Америка қитъасидан Кубада, 1976 йилда Вьетнам ва Лаосда социалистик тузум жорий қилинди. Шу тариқа жаҳон социалистик системаси вужудга келди.

Бу система 1988 йилгача ўз таркибида умумий майдони 36 млн. км. кв. га тенг бўлган, аҳолиси 1,5 млрд. кишидан ортиқ бўлган 15 давлатни қамраб олган эди. Ўз даврида бу система Евроосиёда Арктикадан тропик кенгликларгача, Марказий Европадан Тинч океанигача қўзилган ҳудудни ташкил этган эди.

XX аср ўзининг анча-мунча минтақавий муаммоларини XXI асрга ҳам олиб ўтмоқдаки, булардан энг муҳимлари Яқин Шарқ, Афғонистон, Форс қўрғазли, Болқон муаммолари ва бошқалардир. Ушбу курсатиб ўтилган минтақалар ўтаётган асрда, айниқса кейинги 10 йилликларда ер юзининг оловли нуқталаридан бўлиб қолди.

Дарвоқе, асрнинг сўнгги ўн йиллигида юз берган яна бир оламшумул воқеа - СССР, кейинроқ «Қизил империя» номи олан улкан салтанатнинг парчаланиб кетиши ва ана шу империя тарихидан «ихтиёрли бирлашган», аслида мустамлака бўлган мамлакатларнинг ажралиб чиқишидир. Евроосиё қитъасининг қарийб ярмини ташкил этган бу улкан империянинг парчаланиб кетиши унинг ташкил топиши каби «ташки тасвир» натижасида содир бўлди.

«Қизил империя» инқироzi дунё харитасида ўнлаб мустақил давлатлар пайдо бўлиши билан бир вақтда жаҳон социалистик системасининг барҳам топишига ҳам сабаб бўлди. Шу билан бир вақтда НАТО ва Варшава шартномаси блоклари тарафдорлари ўртасидаги зиддият ҳам ўз ўзидан йўқолдики, бу нарса жаҳон тинчлигига таҳдид солиб турган «совет уруш» хаёфини бироз юмшатди.

Социалистик системанинг пароканда бўлиши билан Варшава шартномаси блоқи ўз аҳамиятини йўқотди. Шу билан бирга йил сайин куч-қудратига эънаётган НАТО блокнинг ҳам аср сўнггида ўз нуфузини йўқотиш қузатилмоқда. Бунга сабаб блокдаги АҚШ гегамонлигини «ҳазм қила олмаётган» ГАРбий Европадаги етакчи мамлакатлар Европа ҳавфсизлиги кучларини ташкил этиш ташаббуси билан чиқиди.


Инсоният тарихига суяниб, келажакка ишониб йишайди, деган эдик. Кейинги йилларда дунё халқлари ҳаётида содир бўлаётган ижобий воқеалар бехиётли янги асрга умидвор қўзлар билан қарашга ундайди. Яъни, сўнгги пайтларда «ўзар» тушуниш сиёсати» ортилиши янги аср ҳақиқатда ЎЗАРО ТУШУ-НИШ асри бўлади, деб умид қилишимизга асос бўла олади.

Тугаб бораётган аср сўнггида хотирга келтиришга интиланганимиз воқеалар таҳлилини тўрт мисра шерьга жойламоқ бўлса, шoir Шукур Содикнинг қуйидаги мисраларидан афзалани тополмадик:

*Йигирманчи аср, сурагинг қўрқдим,
Бир қўлинда қурол, бир қўлинда гул.
Менимча, суратга бир қўчоқ бола,
Бир қўчоқ гул билан тушганинг маъқул.*

Шавкат ЁДОРОВ

КРОССВОРД




Харфларни бир-бирига тўғри йўналишда боғлай олсангиз, «Мустақиллик» сўзини ва у халқимизга қайтариб берган 10 та улуг алломаларнинг номларини ўқийсиз.

Тузувчи: Ё. БЕРДИЕВ

Газетанинг ўтган сониди берилган кроссворд жавоблари:

Бўйига: 1. Сеул. 2. «Диёнат». 3. Барлос. 4. Обид. 7. «Манас». 8. Аҳмад. 9. Эвара. 14. Манат. 16. Мазут. 17. Арк. 18. Арз. 21. «Санам». 23. Уюшма. 24. «Армон». 26. Бўсага. 27. Сандал. 29. Драп. 31. Ижро.
Энига: 5. Бешик. 6. Казба. 10. Майл. 11. «Нихол». 12. Даво. 13. Шахмат. 15. «Семурғ». 17. Ада. 19. Анвар. 20. Равза. 22. Куз. 25. Мактуб. 27. Сатира. 28. «Фабд». 30. Саман. 31. Имон. 32. Карга. 33. Жайра.



Қуйидаги харф ва бўғинларни каттакларга тўғри жойлаштирсангиз, горизонтал бўйича сўзларни ва алоҳида ажратилган вертикал каттаклар бўйлаб барчамиз учун азиз бўлган каломни ўқийсиз.

О, ОПЕ, К, РОС, О, У, МЕ, БО, РА, ГҮЙ, Т, И, А, К, ОН, Ш, САЛ, МА, О, КИ, ЭР, З, БО, ИН, ЛА, НЧ, Н.

ИЗОҲИ СИЗДАН



Рассом З. ИЛХОМОВ

ҚОРГА БИТИЛГАН БИТИКЛАР

*Хотин бамисоли арча!
Қанча кўп безасанг,
шунча очилиб кетаверади.
*Ҳамма болалар Қорбобого ҳавас қилади. Чунки Қорбободо уйинчоқлар кўп.
* Қорбобо халтаси билан қадрли.
* Янги йил ҳам бир кунли келиб эскиради.
* Уйинчоқларсиз арча-бир бог ўтиндир.
* Африкада Қорбобони Қорабобо дейишади.
* Қорбобони ҳам одам ўйлаб топган. Арчага ҳам қоравул керак-ку.
* Сосиска яхши нарса-да. Ҳам овқат бўлади, ҳам арчага безак.
* Янги йил эшик қоқмай кириб кетаверади.

ЯНГИ ЙИЛ ҲАНГОМАСИ

ЖУМБОК

— Сал қолди-я, Янги йил «Янги йил» бўлишига. Вой, бунини Янги йилга тўғри келиб турганига қаранг! Худони зорини қилдим-а, ўша бу ерга келмасин деб. Барибир келди-я! Кўрдинг-ку, у ким билан келганини. Одамни писанд қилмайди, худди ман уни қимлигини билмайдигандай. Бўлсанг бўлибсан-да, ўзингча, менга нима энди. Мен ҳам қасдма-қасстига ўша томонга қиё ҳам боқмадим. Билсанг, ўша ерга мани қуйдириш учун, байрамни бир пул қилиш учун атайлаб ўша билан бирга келган. Ушанақалигини билганим учун ман ҳам атайлаб шунақа қилдим. Кейин ажаб бўпти, дедим. Шунақа қилмасам, ўйлайди-да: «Ўзи шунақа экан-да», деб.

— Тўғри, айтасан, дугонажон. Уни ўзи шунақа! Қаерга бормасин, ўша ерда шунақа қилиқ чиқариб ўтиради. Манам пайтини пойлаб бир чақиб олай дедим-у, яна ушанақалигини билиб, индамай қўя қолдим. «Ўзинг шунақасан-ку, нима қиласан, шунақа иш қилиб», демайди биров. Шу учун шунақа бўлиб кетган-да.

— Қулогига тақиб олган нарсасига қара. Шунақа нарсани ҳам шунақа жойга тақиб келадими киши? Қўриб, ичим қуйиб турса-да, атайлаб мақтамадим. Шунақаларга шунақа қилиб туриш керак, бўлмаса...

— Сен эшитдингми, йўқми, ўйнагани турганимизда шунақа паст овозда қулогимга шивирладики, ўзим зурга эшитдим.

— Нима деди?

— Менга айтдики, гўё ўша кунли у сенга ҳеч нима демаган экан-у худди у менга айтганлигини мен шунақа деб сенга айтганимшман!

— Шунақалигини билардим! Шунинг учун мен унга айтдим, мен унга ҳеч нима демаганимшман-да, сен менга айтган экансан-да.

— Худди шунақа деди-да! Сен унга ҳеч нима демаганлигини, у менга айтганилигини мен сенга айтмаслигини илтимос қилганлигини сенга айтиб қолишимдан хавотирланган.

— Хавотирланса, сен менга айтганингни унга ҳам айтганингни менга айтганими? Ҳечам айтмайди-да.

— Ҳўп бўлмаса, шовиб турибман. Мабоодо, уни қўриб қолсанг, уни менга айтганлигини мен сенга айтганимни унга айтиб юрма. Агар айтсанг, уни сенга айтганимни, сен менга айтганингни мен унга айтганимни озингга солиб, мени маломатга қўяди-я...Вой, мени автобусим келиб қолди-ку, яхши қол!

— Майли, яхши боргин! Қолганини телефонда гаплашамиз...

Илхом ЗОЙИР

ЙИЛНАМА

Мўчал ҳар йили 21 мартдан бошланади. Мўчал йилини топиш учун кишининг туғилган йилига 9 рақами қўйилади ва чиққан йилгидини 12 га бўлинади, қолдиқ сонидан эса мўчал йили келиб чиқади.

Масалан, одам 1930 йилда туғилган бўлса

1) $1930 + 9 = 1939$; 2) $1939 : 12 = 161$, қолдиқ 7.

Демак, мўчал йили кидирилган одам мўчал ҳисобининг 7 - йилида, яъни От (Асп) йилида туғилган экан. Қуйидаги жадвалда эски мўчал йили ҳозирги ҳисоб бўйича қайси йилларга тўғри келиши кўрсатилган.

	1924	1936	1948	1960	1972	1984	1996
1 Сичқон (Муш)							
2 Сигир (Бақара)	1925	1937	1949	1961	1973	1985	1997
3 Йўлбарс (Паланг)	1926	1938	1950	1962	1974	1986	1998
4 Қўён (Харғуш)	1927	1939	1951	1963	1975	1987	1999
5 Балиқ (Наҳанг)	1928	1940	1952	1964	1976	1988	2000
6 Илон (Мор)	1929	1941	1953	1965	1977	1989	2001
7 От (Асп)	1930	1942	1954	1966	1978	1990	2002
8 Қўй (Ўсфанг)	1931	1943	1955	1967	1979	1991	2003
9 Маймун (Ҳамдуна)	1932	1944	1956	1968	1980	1992	2004
10 Товуқ (Мурғ)	1933	1945	1957	1969	1981	1993	2005
11 Ит (Сак)	1934	1946	1958	1970	1982	1994	2006
12 Тўнғиз (Ҳўк)	1935	1947	1959	1971	1983	1995	2007

КАСХ-КАСХА

— Янги йил қандай ўтди?
— Билмадим, ҳали айтиб беришмади...

Янги йил базмидан ғирт маст ҳолда уйига қайтган эр қоронғуда бақирмоқда:
— Хотин, дийдиёнгни бошла, уринини топиб олай!

Ғирт маст киши такси тўхтатди:
— «Хўжайин», бўшмисан?
— Ҳа, албатта.

— Қани, туш бўлмаса, ўйнай-

миз...

Автобуста:

— Кечирасиз, сиз ҳозир тушасизми?
— Ҳа тушаман.
— А, олдингиздаги киши ҳам тушармикан?
— Ҳа, тушар экан.
— Сиз ундан сўрадингизми?
— Ҳа, сўрадим.
— Нима деди?...

Ўқитувчи:

— Алижон, қани айтчи, 2 x 2 неча бўлади?

Алижон жим.
— Нега тайерланмадинг?
— Кеча ойим уйда йўқ эдилар.
— Утир-икки». Валижон, сен айтчи?

— Билмайман.
— Нега тайерланмадинг?
— Дадам ишдан кеч қайтдилар.
— Утир-икки». Қани Боқивой сен биларсан?

— Йўқ, Кеча акам қамқонадан келганди. Кўчада безорилар билан ёқалашиб келди.

— Нима, мени қўрқитмоқчимсан? Утир, «уч»!


ҲАН ОЛАМИДА

ПЛУТОН — МУЗЛИ САЙЁРА

АҚШ ҚОИНОТИ ТАДҚИҚ ЭТИШ ВА АЭРОНАВИКА МИЛЛИЙ БОШҚАРМАСИ (НАСА) ПЛУТОНГА ФАЗОВИЙ КЕМА УЧИРИШ МАСАЛАСИ ҚҮРИБ ЧИҚИЛАётганини МАЪЛУМ ҚИЛДИ.

Бу кўпчилик учун қутилмаган хабар бўлди, чунки 3 ой олдин агентлик мазкур сайёра билан боғлиқ барча режалардан воз кечганлигини эълон қилган эди.

Плутон — Қуёш тизимидаги энг кичик (диаметри 2000 км. дан сал зиёда) ва ҳозиргача фазовий кема-



лар етиб бормаган ягона сайёра. Унга экспедиция 2004 йили йўл олиши мўлжалланмоқда. Плутондан ташқари экспедиция унинг йўлдоши Харонни ҳам ўрганади. Муз тошдан ташкил топган Плутон 1930 йили, Харон 1978 йили кашф қилинган эди. Сайёра ва йўлдош сатҳига зонд тушириш кўзда тутилмаган.

Плутон ва Харон атрофини айланиб учгач, кема Койпер ҳалқаси томон парвоз қилади. Бу «ҳалқа» диаметри 100 км.га яқин бир неча ўн минг муз астероидлардан ташкил топган бўлиб, Плутон орбитасидан ташқарида. Қуёш тизимининг чеккасида жойлашган. Ер билан Плутон орасидаги 6 млрд. км.лик масофани фазовий кема одатдаги шароитда 12 йилда босиб ўтади ва шу билан Қуёш тизимида инсон «қадами» етмаган жой қолмайди.

НАСА хабарини бутун дунё астрономлари мамнунлиқ билан қутиб олдилар. Бирок, қувонишга ҳали эрта. Агентлик баёнотида кўра, экспедицияни тез ва унча катта бўлмаган — 500 млн. доллар харажат билан ташкил этиш мумкин бўлсагина у уюштирилади.

ЖУМБОК

КУМУШ ЗАНЖИР

Сайёҳ бир шаҳарда бир ҳафта туриш ниятида қарвонсаройдан жой банд қилмоқчи бўлди. Қарвонсарой эгаси ундан ҳар кун бир танга беришни сўради. Сайёҳ ўзда бу юртнинг тангалари йўқлигини, лекин 7 та халқали кумуш занжир борлигини айтиди ва ҳар кун эрталаб биттадан халқа тўлашини таклиф этди. Қарвонсарой эгаси рози бўлди, фақат халқаларни имкон борица камроқ жойлардан қирқитишни тайинлади. Бунини амалга ошириш учун нечта халқани қирқитишга тўғри келди?

